

## Қуръон ва замонавий илм



17:00 / 30.01.2021 3420

Қуръони Карим нозил бўлганидан бери мунтазам равишда бирор илмий ҳақиқат кашф этилади. Баъзи олимлар «Мана мен одамларга маълум бўлмаган илмий янгиликни кашф этдим. Кашф этишимдан олдин буни ҳеч ким билмасди, ҳеч қаерга ёзилмаган эди» деб ўйлашади. Кейинроқ эса ўша илмий ҳақиқат ҳақида Қуръони Каримда айтилганини кўриб ёки эшитиб, ақллари лол бўлиб, Аллоҳ таоло ҳидоят берса, иймонга келадилар, агар бермаса, залолатда юравадилар.

Қуръоннинг сифатларидан бири – Ожиз қолдирувчи Китобдир. У ақлларни лол қолдиради, Қуръони Каримга қарши бирор нарса дейишдан ожиз қолдиради, одамларни иймон келтиришга, Қуръонни тан олишга ундайди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида саҳобаи киромлар Қуръони Каримни ўқиб, ундаги оятларни Ҳабибимиз соллаллоҳу

алайҳи васаллам тушунтириб берганлари қадар тушуниб, ўша давр шароитидан келиб чиқиб фаҳмлаганлар. Йиллар ўтиб, илм-фан, технология тараққий этгани сари янгидан-янги илмий маълумотлар, кашфиётлар инсониятга эълон қилинмоқда ва ўша ҳақиқатлар борасида Қуръони Каримда очиқ-ойдин ёки ишора тарзида баён қилингани айтилмоқда.

Дунёга машҳур физик олимлардан, нисбийлик назарияси асосчиси Альберт Эйнштейн «Осмонга кўтарилиш ҳавонинг камайиб боришига сабаб бўлади, қанча кўп кўтарилса, ҳаво шунча камайиб бориб, охири инсон ҳаво етишмаслиги сабабли бўғилиб қолади» деган.

Эйнштейндан ўн тўрт аср олдин Аллоҳ таолонинг Китоби – Қуръони Каримда шундай дейилган:

هُلْضِي نَأْ دُرِّي نَمَو ۞ مَالْسِإِلْ لْهُرْدَصْ حَرْشَيْ هَيْدَهَيْ نَأْ لْإِلْ دُرِّي نَمَفْ  
هُلْإِلْ لْغَجِي كَلْدَكْ ۞ ءَامْسِلْ إِي فِ دُعْصَيْ أَمَّنْ أَكْ أَحْرَحْ أَقْيَصْ هُرْدَصْ لْغَجِي  
نُونْمُؤِي أَلْ نِيْدَلْ إِي لْغَسْجِرْلَا

**«Аллоҳ кимни ҳидоят қилмоқни ирода қилса, унинг кўксини Исломга очиб қўядир. Кимни залолатга кетказишни ирода қилса, унинг кўксини худди осмонга кўтарилаётгандек, тор ва танг қилиб қўядир. Аллоҳ иймон келтирмайдиганларга кирликни ана шундай ўрнаштирур»** (Анъом сураси, 125-оят).

Бу оятда юқорига кўтарилган сари инсоннинг нафас олиши қийинлашиб, юраги сиқилиб, бўғилиб, ҳалок бўлиши ўзига хос тарзда баён қилинмоқда. Шу боис ҳам космонавтлар орбитага парвоз чоғида ҳаво етишмаслигидан ўлиб қолмаслиги учун махсус кийим (скафандр) кийиб, қўшимча кислород захираси олиб парвоз қиладилар.

Ўтган асрнинг машҳур астрономларидан Ҳаббл исмли олим «Коинот тўхтовсиз равишда кенгайиб, ҳажми ортиб бормоқда» деган.

Ҳабблдан ўн тўрт аср олдин Аллоҳ таолонинг Китоби – Қуръони Каримда шундай дейилган:

نُونُوسُؤْمَلْ أَنْ إِيْدِيْ أَبْ إِيْهَانِيْ نَبْ ءَامْسِلْ أَو

**«Ва осмонни куч қудрат ила бино қилдик. Албатта, Биз уни Кенгайтирувчимиз»** (Зориёт сураси, 47-оят).

Коинотдаги жисмлар худди совун пуфаклари каби бир-биридан узоқлашиб бораётганини бугун олимлар эътироф қилмоқдалар.

АҚШдаги Принстон университети қурилиш муҳандислиги соҳаси ўқитувчиси Каролин Фоулер «Ҳаракатсизлик ва ҳаракат нисбий нарсалардир. Чунки олам доимий ҳаракатдадир. Тоғлар ҳам ҳаракатланади» деган.

Ундан бир минг тўрт юз йил олдин Аллоҳ таолонинг Китоби – Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилинган:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا لَا تَتَّبِعُوْا اِلٰهًا اٰخَرَ سِوٰى اللّٰهِ ۗ سُبْحٰنَ اللّٰهِ عَمَّا يُشْرِكُوْنَ ۗ اِنَّ اللّٰهَ لَظَهِيْرٌۭ لِّلْظٰلِمِيْنَ  
نُوَلِّغْ فَاْتِ اٰمُّ بُرِّيْحٍ نُّوْنٍ ۗ اِنَّ عِيْشَ لُكُنَّ نَقُوْتًا

**«Тоғларни кўриб, қимирламай турибди, деб ҳисоблайсан. Ҳолбуки, улар булутнинг ўтишидек ўтурлар. Бу ҳар бир нарсани пухта қиладиган Аллоҳнинг санъатидир. Албатта, У нима қиляётганингиздан ўта хабардордир»** (Намл сураси, 88-оят).

Тоғларнинг ҳаракати дегани Ернинг айланиши деганидир.

Яна бир олим (исми Кинглер ёки Кинглар) «Ернинг барқарорлигининг энг муҳим сабабларидан бири тоғларнинг Ернинг ичигача чўзилиб кетганидир» деган.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

نُوَدِّتْ هَتِّمْ كَلَّعَلَّ اَلْبُسُوْا وَاَرَاهُنَّ اَوْ مُكَبَّ دِيْمَتِ نَّ اَيِّ سَاوَرٍ ضُرَّ اَلِ اَيِّ فَاِىَّ قَوْلًا

**«У Зот ер сизларни тебратиб юбормаслиги учун, унинг устига барқарор тоғларни ташлаб қўйди. Анҳорлару йўлларни ҳам. Шоядки, тўғри йўл топсангиз»** (Наҳл сураси, 15-оят)

Космик бино

Олимлар галактикалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва жипсликни кашф этганларидан сўнг фазо сўзининг ўрнига космик бино атамаси ишлатиладиган бўлиб қолди.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

جَّحَ اَفَّ اَمَّ اَمَّ سَلَّ نَمَّ لَزَنَّا وَاَنْبَاءَ اَمَّ سَلَّ اَوْ اَشْرَفَ ضُرَّ اَلِ اُمَّ كَلَّ لَعَجَّ يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اَدَا اَدَانَ اَلَّ اَوْلَعَجَّ اَلَّ فَاِىَّ قَوْلًا اَقْرَرْتُمْ ثَلَّ نَمَّ وَاَب

**«У сизларга ерни тўшак, осмонни бино қилган ва осмондан сув тушириб, у билан сизларга меваларни ризқ қилиб чиқарган Зотдир. Бас, билиб туриб, Аллоҳга (бошқаларни) тенглаштирманг»** (Бақара



Сўзимизни Аллоҳ таолонинг ушбу ояти билан якунласак:

﴿قَدْ جَاءَكُمْ مِنْ أَهْلِ بَيْتِكُمْ رَسُولٌ لَكُمْ لَعَلَّكُمْ تَهْتَكُونَ مَا كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾  
﴿قَدْ جَاءَكُمْ مِنْ أَهْلِ بَيْتِكُمْ رَسُولٌ لَكُمْ لَعَلَّكُمْ تَهْتَكُونَ مَا كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾

**«Уларга ҳам уфқлардаги, ҳам ўзларидаги оят (белги) ларимизни яқинда кўрсатамиз. Токи, уларга унинг ҳақлиги равшан бўлсин. Роббинг ҳар бир нарсага шоҳид экани кифоя қилмасми?!»** (Фуссилат сураси, 53-оят).

Ҳар бир инсон атрофга ва ўзига тафаккур назари ила боқса, Аллоҳ таолонинг азаматига, қудратига қойил қолмай иложи йўқ.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам космонавт, астроном, биолог, географ, геолог бўлмаганларини, Қуръони Карим нозил бўлган пайтларда Арабистон ярим оролида расадхона, лаборатория, телескоп, ултратовуш воситасида ишлайдиган турли қурилмалар бўлмаганини эслатиб ўтаемиз.

Бугун кашф этилаётган илмий ҳақиқатлар борасида Қуръони Каримда очиқ ёки ишора қилувчи оятларнинг келиши Қуръони Карим Аллоҳ таолонинг Каломи эканига, Қуръони Каримни биз умматларига етказган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолонинг ҳақ Пайғамбари эканликларига ёрқин далиллардандир.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятдан айирмасин ва хотимаимизни чиройли қилсин!

**Фойдаланилган манбалар:**

[Quran.ksu.edu.sa](http://Quran.ksu.edu.sa)

[Islom.uz](http://Islom.uz)

[rqiim.com](http://rqiim.com)

[almaany.com](http://almaany.com)

[translate.google.com](http://translate.google.com)

[facebook.com](http://facebook.com)

[uz.kyaaml.org](http://uz.kyaaml.org)

**Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**